

НАВРЎЗИНГ – ЯНГИ КУН, ЯНГИ ДАВРОНИНГ МУБОРАК, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Farg'onaazot
aksiyadorlik jamiyati

www.azot.uz @uzkimyosanoat
info@azot.uz t.mefargona_azot

Kimyogar

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Gazeta 1979 yil yanvar oyidan chiqqan boshlagan.

№ 3 (1679) 2020-yil, 9-mart.




Ўз касбининг фидойилари!

2 бет



Слабый пол с сильным характером

3 стр.



Нужно ставить и добиваться цели

4 стр.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

2020 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз миллий юксалиш ва миллий таракқиётнинг янги босқичига қадам қўйган хозирги вақтда барча эзгу қадрият ва аёнчаларимиз қатори Наврўз байрамининг ҳам ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Айниқса, ўшбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган яшариш ва янгилашиш, яхшилик ва бағрикенглик, табиятни асраб-авайлаш, доимо ў билан уйғун бўлиб яшаш каби ўлмас ғоялар бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий мақсади ва маъно-маъмурига ғоят ҳамоҳанг эканини таъкидлаш лозим.

Халқимиз асрлар давомида катта шоду хуррамлик билан нишонлаб келадиган, Бирлашган Миллатлар Ташкилати томонидан халқаро байрам сифатида белгиланган Наврўзи оламнинг ана шундай бекиёс аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда бу айёмни янги Ўзбекистоннинг демократик қиёфаси, обрў-эътибори ва нуфузига ҳар томонлама муносиб тарзда ўтказиш мақсадида:

1. 2020 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин. Ташкилий қўмита Наврўз байрамни Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда нишонлаш бўйича "Наврўзинг – янги кун, янги давронинг муборак, жонажон Ўзбекистоним!" деган бош ғояни ўзда мужассам этган Наврўз умумхалқ байрамни ўтказиш концепцияси ва ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Мазкур концепция ва дастурни тайёрлашда барча тадбирларни том маънода умумхалқ сайли ва шодиёнаси сифатида ўтказиш, уларда кенг халқ оммасининг фаол иштироки таъминлаш мақсадида қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин: Наврўз кунларида инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътибор яққол ўзифодасини топишни кўрсатиб берадиган, атроф-муҳитни, унинг неъматларини асраб-авайлаш, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш; сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз берётган ижобий ўзгаришларни Наврўзининг азалий қадрият ва аёнчаларига ҳамоҳанг тарзда, таъсирчан усулларда ифода этиш; барча шаҳар ва қишлоқларда ташкил этиладиган байрам тадбирларида, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамнинг тарихи, ҳар бир ҳудуд аҳолиси ўртасида уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат ва аёнчаларнинг муҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш; халқимизга хос бўлган меҳр-мурувват, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик фазилатлари асосида нуруний кексаларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш; юртимизда ниллатлараро дўстлик ва тўғувлик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларнинг амалий натижалари, Ўзбекистон

фуқароси бўлган турли миллат ва элат вакилларининг Наврўзни нишонлашга оид урф-одатлари, аёнча ва қадриятларини кенг намойиш этиш; ободлик ва фаровонлик рамизи бўлмиш Наврўз байрами арафасида шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда умумхалқ ҳашарлари, кенг қамровли ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш; тадбирлар бўлиб ўтадиган жойларда хунармандчилик кўргазмалари, китоб расталари, кўча савдо дўконлари, кўклам таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдосини ташкил қилиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари: а) бир ҳафта муддатда қўйидагиларни назарда tutuvchi Наврўз умумхалқ сайилларини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин: Наврўз умумхалқ сайиллари ўтказиладиган асосий майдонлар, хибонлар ва кўчаларни белгилаш, уларни миллий услубда байрамона безатиш ҳамда саҳналарни ўрнатилиш; жойларда бўлиб ўтадиган умумхалқ сайилларига маҳаллий фольклор гуруҳлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари, цирк санъати вакиллари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини кенг жалб этиш; байрам тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос бўлган халқ ўйинлари, томошалар, кўргазмалар ва мусобақаларни ўтказиш, баҳорий таомлар сотиладиган очиқ ошхоналарни жойлаштириш; б) байрам дастурларини ва оммавий томошаларни тайёрлашда, кўчалар, хибонлар ва майдонларни безатишда катта маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ижодкорлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, саҳна расомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакиллари билан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этиш; в) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Наврўз умумхалқ сайилларига хорижий ва маҳаллий туристларнинг ташрифини ташкил этиш мақсадида кенг тарғибот ва тайёргарлик ишларини амалга оширсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари: Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда; Қорақалпоғистон Республикаси бюджет ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланади.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов тасмасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.МИРЗИЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 3 март.

8 МАРТ - ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН "FARG'ONAAZOT" АЖНИНГ БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз аёллар! Мунису-мукаррама онахонлар, мухтаррама опа-сингиллар!

Она табиятимиз уйғониб, бутун борлиқ яшиллик бурканган, баҳор айёмлари ҳар бир инсон қалбига чексиз қувонч улашган шу кунларда барчамиз 8 март - Халқаро хотин-қизлар кунини кўтаринки қайфият, шоду хуррамлик билан кенг нишонламоқдамиз. Аввало, сизларни, сизларнинг тимсолингизда барча онахонларимиз, опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизни эзгулик ва гўзаллик байрами 8 март - Халқаро хотин-қизлар кунини билан корхонамиз кенг жамоатчилик номидан самимий муборакбод этамиз!

Аёлнинг нафосати ва назокати, вафо ва садоқати, ақл-заковати ва фидойилиги асрлар мобайнида ер юзиде ҳаёт давомийлиги ва абадийлигига асос бўлиб келади. Шу боис ҳам дунёдаги энг буюк санъат асарлари, кўшиқ ва қасидалар, меъморий обидалар аёллар шаънига бағишлангандир. Оила ва жамият устун, ҳаётимизнинг фазиси ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан буюк қадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунки сизлар билан ҳаётимиз гўзал ва мазмунли, хонадонларимиз обод ва нурафшондир.

Бугун латофат ва садоқат тимсоли, Яратганнинг бекиёс мўъжизаси бўлган аёлларимизни хизматини юксак қадрлаш, улар ҳурматини жойига қўйиш, бахтиёр ва фаровон яшаш шарафини яратиш, соғлигини асраб-авайлаш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Шу сабабли, мухтаррама аёлларимизни нафақат байрам кунлари, балки уларни ҳар доим

қадрлашимиз ва уларга чексиз меҳрибонлик кўрсатишимиз керак. Мустақиллик берган имкониятлар, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати тўғрисида жамиятда Аёл зоти борки, юксак қадр топганлигини бугун уларнинг чеҳрасидаги қувонч, қалбидеги шукроналик туйғуларидан, ҳаётдан манун эканлигидан ҳам теран англаш мумкин. Кўлга киритилаётган барча ютуқ ва марралар, улкан бунёдкорлик ва изчил ислохотлар жараёнида корхонамиз хотин-қизлари фаол иштирок этиб келаётганлигини мамнуният билан айтишимиз керак.

Бугунги кунда меҳнат жамоамиз ишлаб чиқариш жараёнларини самарадорлигини ошириш, янги илғор технологияларни қўллаш, модернизациялаш ва техник янгилаш устидан тинмай иш олиб бормоқда. Йилдан йилга янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришда ишчи техник ходимларимиз, шу жумладан хотин-қизларимизнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоиздир.

Қадри опа-сингиллар! Сизларни яна бир бор қутлуғ байрамнингиз билан чин қалбдан самимий табриклаймиз. Сизларга соғлиқ-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик, файзу барака тилаймиз. Доимо юзингиздан табассум, қалбингиздан шоду хуррамлик аримасин! Байрамнингиз муборак бўлсин!

ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ.



1 март - ардоқли шоира Зулфия Исроилова таваллуд топган кун

"БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ СЎРОҚЛАБ..."



Баҳорни илк кунини мамлакатимизда шоира Зулфиянинг таваллудини нишонлаш билан бошланади. Ўз ижоди ва машаққатли ҳаёт йўли, оқила ҳамда олижаноблиги билан Ўзбек аёлларининг ёрқин тимсолига айланган Зулфия Исроилова таваллудининг 105 йиллиги «Кимёгар» маданият саройида ҳам кенг нишонланди.

Тадбирда сўз олганлар Зулфия том маънода баҳор, нафосат ва гўзаллик куйчиси эканлигини қайд этдилар. Корхонанинг ёш ижодкор ишчи-ҳодимлари ижросидеги шоира шеърларидан иборат мушоира адабиёт икхосмандлирга манзур бўлди. Улар Зулфиянинг "Баҳор келди сени сўроқлаб", "Менинг Ватаним", "Мен тонгни қўлайман", "Юрагимга яқин кишилар", "Қуйларим сизга" каби шеърларини ёддан ифодали ўқиб беришди.

"Сени қўлайман ҳаёт" номли адабий-муслиқий тадбирда таниқли шоира Ўзбекистон ёзувчилар уюмчаси аъзоси Зухра Алмева, Зулфия номидеги давлат муқофоти совриндори, ёш шоира Дилнавоз Қўлдошева тақлиф этилди.

Дарҳақиқат, шоира ижодида ўзбек аёлининг тақдири катта ўрин эгаллайди. Унинг мамлакат ҳаётидаги фаол ўрни муҳим аҳамият касб этади. Шоира шеърларида аёллик нафосатини тараннум этишдан чарчамайди. Зулфия шеърини табиатга ҳамда инсониятга бўлган жўшқин севи ва меҳр билан бурканган. Мисраларида табиятни оч рангларда, ёрқин бўёқ ва тимсолларда тасвирлайди. Олижаноблик, жасорат, халқ гурури, самимий туйғулар, зангори ранглар, қутилмаган янги тимсоллар билан йўғрилган лирикаси, китобхон қалбига ажиб кўкмайл ҳаловат бахш этади, инсоннинг эзгуликка, покликка бўлган ишончига ишонч қўшади.

Адабий кечада маданият саройининг ижодий жамоаси томонидан тайёрланган дил тортар қўшиқлар ва гўзал рақслар намойиш этилди.

Рустам МАМАЖОНОВ.

АЁЛ БОРКИ ОЛАМ МУНАВВАР

Ҳаёт гўзаллиги умр мазмуни, оила фазини меҳр тимсоли саналган аёлларсиз, оналарсиз тасаввур этиш қийин.

Халқимиз азалдан гўзаллик тимсоли бўлган мухтаррама аёлларимизни, дилбар қизларимизга алоҳида ҳурмат кўрсатиб, уларнинг фидойилиги ва меҳр-мурувват, ҳаёт давомчилиги, ўзгача латофат ва гўзаллигини, ўзгача мужассам этган ажойиб зот сифатида эъзозлаб келган. Бугунги кунда аёлларга ғамхўрлик кўрсатиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бугун аёлларимиз нафақат оилада, балки, жамиятимизнинг турли жаҳаларида, ўзларининг садоқати, ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан самарали фаолият олиб бормоқдалар. Байрамлар баҳона шижоатли қалб эгалари эҳтиром этилиб, улар учун маданий дам олиш тадбирлари, концерт дастурлари намойишлари ташкил этилмоқда.

8 март - Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан "Кимёгар" маданият саройида корхона аёллари учун концерт дастури намойиш этилиб, нафосат

малликлари улуғланди. "Яхши дам меҳнатга ҳамдан" деганларидек, бу каби тадбирларни корхона томонидан доимий равишда ўтказиб туриш, анаъанага айланган. Зотан, амалга оширилган машаққатли меҳнатнинг муносиб рағбати, инсонга келусидаги фаолиятига аввало самара, куч қайрат, ишонч ҳада этиши билан ҳам аҳамиятлидир. Айниқса, бу жараёнда опа-сингиллар хизмати алоҳида кўзга ташланади. Аёллар ҳар қандай эзгу ишга қўл урмасин аввало янги сизки дилдан ёндашиб, уни маъсулият билан бажаришга меҳр ва садоқат билан астойдил киришадилар ва ўзларига билдирилган юксак ишончини оқлай олишга қодир бўладилар. Концерт дастурида сўз олган аёллар, ишчи аёлларнинг ана шу эзгу жиҳатларини эътироф этиб ўтишди. Улар ҳақида гўзал шеърлар, табриклар изҳор этилди. Тантанаво равишда "Кимёгар" маданият саройининг маҳоратли ижодий гуруҳи томонидан шўх қўшиқлар, куй ва рақслар ижро этилди. Турли миллат тилларида қўйилган қўшиқлар, рақслар шодиёна қатнашчиларини дўстликка, бирдамликка чорлаб, барчага бирдек завқу шавқ улашди.



Эҳтиром!



АЁЛЛАР МЕХНАТИ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Латофат, ибo-ҳаё, малоҳат, назокат, вафо ва садоқат ана шу гўзал хисларни ўзда мукассам этган хотин-қизларимиз бугун ташббуксорлик, меҳнатсеварлик, тadbиркорлик, ишчанлик, фидойилик каби эзгу жиҳатлари билан ҳам оила, ҳам жамиятимиз равақига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Аёл у нафақат она, аёл бу сингил, аёл бу опа, аёл бу сеvimли ёр, бека, раҳбар ҳуллас бугунги давр аёлининг серкирра фаолиятини кўриб қўз қувонади. Аёлларимиз бугун хунармандчилиқ, фермерлик соҳасида илгор. Тиббиёт, илм-фан, маданият, санъат қўйинки уларнинг фаолигини ҳар бир соҳада яққол кўриш мумкин. Биргина хотин-қизларнинг саъй-ҳаракатлари ишлаб чиқариш, саноат корхоналарида самарали меҳнатлари, фидойиликлари билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга тобора ортиб, юртимиз иқтисодиёти янада юксалмоқда. "Farg'onaazot" акциядорлик жамиятида ҳам ана шундай илгор, ўз касбига меҳри ўзгача, шижоатли аёлларни учратиш мумкин. Корхона раҳбарияти томонидан заводда меҳнат қилаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий жиҳатдан ёрдам бериш, моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоялаш, саломатликларини мустаҳкамлаш йўлида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирда корхонада 7300 дан ортиқ ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 2688 нафари аёллардан иборатдир. Ҳодим аёлларимизнинг 210 нафари олий маълумотга эга бўлган ва янада ўрта махсус маълумотга эгадир. Жамоада 18 нафар аёллар эса турли бўлимларни бошқариб келишмоқда. Уларнинг шижоати, ташаббускорлиги доимо касбдошларига ўрнак бўлиб келади. Заводимизда аёлларнинг ман-



фаатини ҳимоялаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, саломатликларини тиклашлари учун барча шароитлар яратилган. 2019 йилда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларни спортга кенг жалб этиш мақсадида "Спорт саломатлик гарови" шiori остида спортнинг 5 та тури бўйича спартакиада ташкил этилди. "Соғлом оила" спорт мусобақаси ҳам аёлларнинг жисмонан соғломлаштириш мақсадида ўтказилди. Голибларга эса фахрий ёрлиқлар, диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, маънавий ахлоқий камолотга йўналтириш мақсадида цех аёллари учун "Либос маънавият кўзгуси" мавзусида тadbирлар ташкил этилди. Шунингдек фаол аёллар иштирокида "Соғлом авлод миллат таянчи", "Оила муқаддас даргоҳ", "Билимдон китобхона киз", "Ибратли оила" каби турли тиллов ва тadbирлар ўтказилиб, унга аёллар жалб этилди.

Корхонада кам таъминланган оилалар, нафақага чиққанлари ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам кўрсатиш ишлари мунтазам олиб борилади. 12 нафар ногирон фарзанд парваришлаган аёлларга озик-овқат маҳсулотлари топширилди. "Кимёгар" маданият саройи, "Дугоба" мажмуаси спорт залида 80 нафар аёллар мунтазам спорт билан шуғулланишлари ташкил этилди. Бундан ташқари жамият ишчиларининг 4124 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларнинг 978 нафари аёллардан иборат-

дир. Хотин-қизларнинг ҳавфсиз меҳнат қилишлари цехдаги меҳнат муҳофазаси вакили иштирокида мунтазам ўрганиб борилади. Еш авлодни ҳар томонлама жисмонан соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда ота-оналарнинг масъулиятини ошириш, "Бола ҳуқуқлари ва қафолатлари тўғрисида"ги конвенция, ажралишларнинг бола тарбиясига салбий таъсири ҳақида "Фарзанд келажиги учун барча масъул" мавзуларида тadbирлар ташкил этилмоқда. "Кимёгар" болалар соғломлаштириш оромгоҳида мавсум даврида 1562 нафар ишчи-ҳодимларнинг фарзандлари соғломлаштирилди. Бундан ташқари хотин-қизларимизнинг 44 нафари республикамиз ҳудудидagi санаторияларда ўз соғлиқларини тикладилар. Заводимизда хотин-қизлар томонидан турли масалаларда 291 та мурожаат келиб тушган ва уларга жавоб қайтариш, муаммоларни бар-

Рустам МАМАЖОНОВ

Ўз касбининг фидойилари!

Аёл меҳнати қадрланган жамиятда шак шубҳасиз хотин-қизлар ҳар томонлама бахтли умр кечиради. Аёл меҳнат қилган жойида муносиб рағбатлангилса, у янада юксак ғайрату шижоат билан янада самарали фаолият кўрсатади. Ўз умридан, меҳнатидан рози бўлади. Қалбида шукроналик туйғулари жўш уриб, ҳаётга бўлган заъфи ва ишончи ортади. "Farg'onaazot" АЖДа фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар ўрасида Касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари лавозимида меҳнат қилиб келаётган Шин Венера Идюновна ўрни катта.



КОРХОНАДА ҲАМ ОИЛАДА ҲАМ ЭЪЗОЗ ТОПГАН АЁЛЛАР

Венера опа ўзининг ширин муомаласи, гўзал ҳулиқи, одоби, ўз ишига виждонан ёндашиши билан жамоада ҳурмат эътибор қозонган. Умуман корхонада бугунги кунда турли миллат ва элат вакиллари меҳнат қилишаётган бўлса, уларнинг барчалари аҳилликда, худди бир оила, опа-сингил бўлиб фаолият юритиб келишмоқда. Асли Корейс миллатига мансуб бўлган Венера опа жамоада жонқуярлиги, тиришқоқлиги, ҳаракатчанлиги билан касбдошларига ҳамisha ўрнак бўлиб келади. Венера Идюновна ҳар доим заводда хотин-қизлар учун яратилган имкониятларини, имтиёзларини барча аёлларга улашгиси, рағбатлантиргиси, уларнинг қувонтиргиси келади. Ишдами, дам олишга, хордик чиқаришга ҳаққи бор бу унинг ҳуқуқи деб аёлларга тортишади. Унинг бу ҳаракатларидан аёллар бениҳоя миннатдор.

Фаргона шаҳрида яшовчи Венера Идюновна бугун жамоада ҳам оилада ҳам юксак ҳурмат эътиборга эгадир. Фаргона шаҳрида яшовчи қаҳрамонимиз бир берида ақли фарзандларни тарбиялаб вояга етказди. Корхонада Венера опа каби хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида эзгу ишлар бажарилляпти. Аёлларни муқофотлаш, маданий хордик олишлари учун имкониятлар яратилиши, уларни соғломлаштириш, санаторияларга юборишга кўмаклашиши борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Касаба уюшма қўмитаси ҳаракати билан Халқаро ногиронлар кўни муносибати билан ногирон фарзанд тарбиялаётган 12 нафар оналар ҳолидан хабар олиниб, уларга озик-овқат маҳсулотлари топшириб келинади. Шунингдек қўмита ҳаракати билан заводдаги 44 нафар хотин-қизлар республикамиз ҳудудидagi санаторияларидан ўз соғлиқларини тиклаб келишларига имконият яратилди. Бу мақсадаги

ишларга завод раҳбарияти томонидан 75 миллион сўмдан ошдиқ маблағ сарфланди. Завод ишчиларини мамлакатимизнинг тарихий эйраттоҳлари, муқаддас қадамжоларига эйратта боришлари учун ҳам касабаси уюшмаси ўзининг ёрдамини берди. Умуман, корхона аёлларининг ишдан сўнг ҳар томонлама дам олишлари йўлида касабаси уюшма қўмитаси ва унда меҳнат қилаётган Венера опанинг хизматлари каттадир. Яхши дам меҳнатга ҳамдам дейишади. Бу йўналишда яна эзгу ташаббусларни амалга ошириш режалаштирилган.

Заводда меҳнат қилаётган ҳар бир ҳодим борки, уларнинг амалга оширатган ишлари, ҳар бир иши, вазифаси тўғрисида ишлаб чиқариш суръати янада ошади. "Farg'onaazot" акциядорлик жамиятида техник назорат бўлими назорат мутахассиси лавозимида меҳнат қилиб келаётган Раҳнамоҳон Собирхонованинг ҳам фаолияти эътирофга лойиқдир. Чунки ишлаб чиқаришда бу соҳа энг муҳим ва эътибор талаб этади. Чунки корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни техник кўриқдан ўтказиш, маҳсулотнинг сифат ва давлат меъёрига, давлат стандартларига тўғри келишини аниқлашда Раҳнамоҳон сингари мутахассисларнинг меҳнати катта. Заводда 40 йилдан беш меҳнат қилиб келаётган аёл бугун неча неча шоғирдларга устозлик қилди. Шоғирдлари уни устоз дея ҳурмат қилишади. Ундан кераклик маслаҳат ва билимларини олиб самарали фаолиятларини давом эттириб келишмоқда. Корхонада устоз шоғирд анаънасининг бу бир кўринишидир.

Бугун ишлаб чиқариш, жамоадан ташқари, маҳалла кўйида, оила даврасида ҳурмат эъзоз топаётган Раҳнамоҳон опа икки фарзандни тарбиялаб камолга етказди. Фаргона шаҳридаги "Тўқимачилар" маҳалласида ҳам опани бирдек барча ҳурмат қилади. Зеро ишчан, меҳнатқаш, ғайратли ва ташаббускор аёл жамоада ҳам, жамиятда ҳам барчага ибрат бўлиб бораверади.

АТРОФ-МУҲИТ ҲИМОЯСИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ!



"Ўзкимёсанот" акциядорлик жамияти томонидан тизимдаги корхона ва ташкилотлар ҳамда уларга туташ ҳудудларда "Атроф-муҳит ҳимоясига барчамиз масъулмиз!" шiori остида кўкаламзорлаштириш лойиҳасини ташкил этиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофазасида қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-5863-сонли фармони ижросини таъминлаш ҳамда "Ўзкимёсанот" АЖ тизимидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда уларга туташ ҳудудларда "Атроф-муҳит ҳимоясига барчамиз масъулмиз!" шiori остида кўкаламзорлаштириш лойиҳасини юқори савидада ўтказиш мақсадида жорий йилнинг март ойи "Ўзкимёсанот" АЖ тизимида "Кўкаламзорлаштириш ойлиги" деб эълон қилинди.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад корхона-ташкilotлар жойлашган ҳудуд экологик ҳолатини янада яхшилашга кўмаклашиш ҳамда атроф-муҳитни манзарали дарахтлар билан бойитиш ҳисобланади. Бугунги кунда "Ўзкимёсанот" акциядорлик жамияти таркибида 16 та йилрик ва ўрта кимёвий корхоналар фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар томонидан жами 180 тадан ортиқ номдаги кимёвий маҳсулотлар, шу жумладан, 90 га яқин турдаги янги, маҳаллий ва хоржий истеъмолчилар томонидан талаб этилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

БУ ҚИЗИҚ!

МЕЛАМИН - ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДАГИ ЭНГ МУҲИМ МАҲСУЛОТ


Соф меламин рангсиз, ҳидсиз органик эритувчилар ва сувда кам эрийдиган кристалл модда. 2017 йилда жаҳонда ишлаб чиқариш ҳажми 1 миллион тоннадан ошди.

Меламин кимёвий ҳисобдан асос ҳисобланиб, киздирилганда парчалангани ва кислоталар билан туз ҳосил қилади (масалан С3Н6N6·HCl). Ишқорий металлларидан ва суяк аммиакда меламин С3Н6N6·МНН2 ушбу кўринишдаги тузларни ҳосил қилади (М бу металлдир). 354°C ва ундан юқори ҳароратта қиздирилганда меламиндан аммиак ажраб, меламин (2,6,10-триамино-сим-гептанин) ҳосил бўлади. Меламин циклик циннамидлар синфига кирди ва триазин ядроларининг энергия барқарорлиги натижаси бўлган бир қатор хусусиятларга эга. Буларга иссиқлик, ёруқлик ва кимёвий қаршилиқ, шунингдек кўп функционал кимёвий бирикмалар ҳосил қилиш қобилияти кирди. Шунинг учун меламин жаҳон бозорида истиқболли маҳсулотдир.

Кашф этилиш тарихи 1834 йилда катлий тиоцианатини аммоний хлорид билан эритиб юборишда Либби биринчи бўлиб меламин ҳосил қилди. Кейинроқ, 1913 йилда Штоле ва Крауш уни бошқа йўл билан, дицианди-амиддан ишлаб чиқардилар, аммо бу усулга асосланган биринчи саноат заводлари анча кейинроқ, XX-асрнинг 30-йилларида пайдо бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин катор корхоналар карбамид маҳсулотидан меламин ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқишни бошладилар. Карбамиддан меламин синтези биринчи марта 40-йилларнинг бошларида амалга оширилган, аммо факатгина 60-йилларда саноат эътиборини ўзига жалб қилди. Утган асрнинг 70-йилларида қадар, дициандиамид ва карбамиддан меламин ишлаб чиқарадиган

заводларнинг икки тури ишлашда давом этди. Карбамиддан меламин синтези усули тобора оммалашиб бориши, карбамидни ўғит сифатида амаллашиб боришига тўғри келди. Карбамид ишлаб чиқарилиши кенгайиб, технологияси яхшилангани сайин меламин ишлаб чиқариш тобора иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб борди. Ҳозирги вақтда жаҳон саноатидagi ушбу кимёвий маҳсулотнинг барчаси карбамиддан олинади. Саноат технологиялари Карбамид асосида меламин ишлаб чиқаришнинг бир неча технология схемалари тасвир қилиниб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Схемалар, биринчи навбатда, синтез бери ёки икки босқичда ўтказилади-йўқим шуниси билан фарқ қилади. Иккинчи фарқ - бу ҳар хил босим. Юқори босимли синтез одатда катализаторларга бўлган эътиёжни йўқ қилади. Шунга кўра, катализатордан фойдаланиш жараёни атмосфера босимига қадар анча паст босимда амалга оширишга имкон беради. Дастлаб, юқори босимли схемалар ишлаб чиқарилиши. Ишлаб чиқаришда катта қийинчиликлар, юқори ҳарорат ва босим, жуда юқори бўлган усуналарнинг коррозиясини келтириб чиқарди. Биринчи паст босимли қурилмалар 1967 йилда ишга туширилган.

Технологиядаги фарқ шунингдек, иккиламчи маҳсулотларни қайта ишлаш зарурати билан боғлиқ эди. Карбамиддан меламин синтез қилишда маҳсулотнинг бир молдан уч мол карбонат ангидрид (CO2) ва олти мол аммиак (NH3) ҳосил бўлади. Ушбу "чикиндиларни" қайта ишлаш схемасини танлаш, биринчи навбатда, меламин синтези усулини, шунингдек, қурилиш жойини ва карбамид ишлаб чиқаришда газларни қайта ишлаш имкониятини танлаш билан карбамиднинг реакция ара-лашмасидан ажратиш ва уни кейинчалик тозалаш усунларида ҳам фарқ қилади. Eurotecnic ва Montedison (Италия), NissanChemical (Япония)нинг ривожланиши катализаторсиз юқори босимда карбамид пиролизига асосланган, BASF (Германия), Stamicarbon (Нидерландия), Chemilob (Австрия) паст босимли каталитик пиролиздан фойдаланган. Усулларни танлаш компаниялар томонидан тadbирот ва ривожланишининг маълум бир соҳасини муваффақиятли ривожлантириш асосида амалга оширилди.



Расм: меламин таркибий формуласи

Карбамид пиролизли технологиясига кўра, катализаторсиз юқори босимда меламин ҳосил қилиш реакцияси 8-10 МПа (80-100 кгс/см2) ва 380-400 °С ҳароратда кечади; паст босимда карбамиднинг каталитик пиролизли технологиясига кўра (катализаторлар Al2O3 ва бошқалар асосида) - 0,7 МПа гача бўлган босим ва 380-390°C ҳароратда. Иккала жараён ҳам муваффақиятли равишда бир-бири билан рақобатлашади, чунки техник ва иқтисодий кўрсаткичлари яқин. Олинган меламиннинг сифати иккала технологияда ҳам бир хил. Жараён кимёси икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда карбамиддан аммиак ажратилиб, циан кислотаси ҳосил бўлади: (NH2)2CO = HCN + NH3 Кейинги босқичда циан кислотасидан карбонат ангидрид газ ажратиш натижасида меламин ҳосил бўлади: 6 HCN = C3H6N6 + 3 CO2 Юқори босимли технологиялар каталитик технологияларга нисбатан

афзалликларга эга, улар кўйидагилардан иборат: - юқори босимли усунлардаги реакция усуналари ҳажми паст босимли усунларга қараганда анча кичикроқ; - карбамиддан меламин ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари аммиак ва карбонат ангидриднинг стехиометрик аралишмасининг катта миқдорини ҳосил қилиш билан бирга кечади. Ушбу газлардан фойдаланишнинг энг оқилона усули - карбамид ишлаб чиқариш жараёнида уларни қайта ишлаш. Юқори босимли жараёнлар бундай қайта айланиш учун энг яхши шароитларни яратади.

Паст босимли каталитик жараёнларда, "чикинди" газининг конденсацияланмиш ютилиши УАС (углеаммоний тузлари) тузини факат суюлтирилган сувли эритмаларини олиш иккинчи беради. Бирок, барча афзалликларга эга бўлган ҳолда, юқори босимли жараёнлар юқори энергия харajatларини талаб қилади.

Кўзланганда меламин ишлашнинг иккинчи йўли кимёвий ҳосил қилиш бўлади. Меламин саноатда буюклар ва гербицидларни ишлаб чиқаришда, ион алмаштиришда қулланади. Меламин ишлаб чиқариш бўйича дунёнинг этақчи лицензиатлари бўлган Швейцариянинг Casale SA, Италиянинг Eurotecnic ҳамда Хитойнинг Shandong Zhongtian Technology Engineering Co., Ltd компаниялари уларнинг техник ва тadbирот тақлифларини юборишган. Бугунги кунда «Ўзкимёсанотлоийҳа» АЖ билан биргаликда инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси ишлаб чиқилмоқда.

ТАЙЁРЛАДИ: Ишлаб чиқариш маҳаллийлаштириш ва мувофиқлаштириш бўлими.

«Низкий поклон вам от всех мужчин Узбекистана за то, что вы делаете этот удивительный и светлый мир еще прекраснее!»

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

СЛАБЫЙ ПОЛ С СИЛЬНЫМ ХАРАКТЕРОМ

Женщина - это мать, воспитывающая детей, верная и преданная жена, хранительница домашнего очага, активный и инициативный член общества. Сегодня вопросы поддержки женщин в нашей стране возведены на уровень государственной политики.

планируем установить 2 водонагревателя «Ariston», чтобы обеспечить наших женщин горячей водой, когда нет пара.

У нас трудится немало опытных работников, настоящих профессионалов, подающих хороший пример для молодежи. Это - Гульмирахон Сабирова, которая работает более 20 лет чистильщиком оборудования; Саида Юлдашева, аппаратчик обезвоздушивания. Такие ценные сотрудники, как эти женщины, всегда в почете. Они обучают молодежь, передают ей свои знания, и пользуются большим уважением в цехе за трудолюбие и честное отношение к работе, - говорит Абдуманнон Юсупов, начальник цеха по производству ацетатной нити. - Я хотел бы воспользоваться предоставленной возможностью, чтобы поздравить всех женщин и девушек нашего предприятия с праздником 8-е марта. Желаю им настоящего женского счастья, любви, быть любимой. Желаю, чтобы они всегда выглядели красивыми и веселыми, как эта прекрасная пора - весна.

